



**чоғларида ҳузурингга келиб, Аллоҳдан мағфират сўраганларида ва Расул ҳам улар учун мағфират сўраганида эди, албатта, Аллоҳнинг тавбани кўплаб қабул қилувчи, ўта меҳрибон эканини топар эдилар»** (Нисо сураси, 64-оят).

Аллоҳ таоло ҳақиқатан ҳам тавбаларни қабул этувчи Зот эканининг далили шуки, У бандаларидан иймон даъвосини қилиб, амалда шайтоннинг йўлидан юрганларини ҳам дарҳол азобга гирифтор қилмайди, балки кечиримли бўлиб, яна уларга ўзларини ўнглаб олишлари учун имкон яратиб, тавба эшигини очиб қўяди.

У Зот ҳақиқатан ҳам раҳмли бўлганидан гуноҳкор мунофиқларнинг айбини кечиби, уларга раҳм-шафқат кўрсатади.

### **Тавба анбиё ва солиҳ мўминларнинг сифатидир.**

Тавба аслини олганда, олий мақомлардан биридир. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг энг суюкли бандалари бўлмиш набийлар ва расуллар ҳам тавбани лозим тутганлар. Шайтон алайҳилаъна тавба қилмагани учун тавқи лаънатга учради. Одам алайҳиссалом тавба билан мукарамликка эришдилар.

Аллоҳ таоло набийларнинг тавбалари ҳақида шундай марҳамат қилади:

مَنَاسِكًا وَأَرْنَا لَكَ مَسْلَمَةً أُمَّةً دُرِّيَّةً وَمِن لَكَ مُسْلِمِينَ وَأَجْعَلْنَا رَبَّنَا ﴿١٢٧﴾ الْعَلِيمُ السَّمِيعُ أَنْتَ إِنَّكَ مَنَّا نَقَبَلُ رَبَّنَا وَإِسْمَاعِيلُ الْبَيْتِ مِنَ الْقَوَاعِدِ إِتْرَاهِمُ رَفَعُ وَإِذْ

﴿١٢٨﴾ الرَّحِيمُ التَّوَّابُ أَنْتَ إِنَّكَ عَلَيْنَا وَتَبَّ

**«Эсла, вақтики, Иброҳим билан Исмоил Байтнинг пойдеворларини кўтараётиб, (дедилар): «Роббимиз, биздан қабул эт, албатта, Сен Ўзинг ўта эшитувчисан ва ўта билувчисан.**

**Роббимиз, иккимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сен Ўзинг тавбани кўплаб қабул қилувчисан, ўта раҳмлисан»** (Бақара сураси, 127-128-оятлар).

Аллоҳ таоло солиҳ мўминларнинг сифатларини баён қилар экан, энг аввало уларнинг тавба қилувчилар эканликларини зикр қилади:

وَالْحَافِظُونَ أَمْنَكُمْ عَنِ الْكَافِرِينَ وَالْمَعْرُوفِينَ الْأَمِيرُونَ السَّاجِدُونَ الرَّكَعُونَ السَّائِحُونَ الْحَامِدُونَ الْعَبِيدُونَ التَّائِبُونَ

﴿۱۱۳﴾ الْمُؤْمِنَاتُ وَبَشَّرَ اللَّهُ لِحُدُودِ

**«Улар тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд айтувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар, маъруфга буюриб, мункардан қайтарувчилар, Аллоҳнинг чегарасида турувчилардир. Ва мўминларга хушxabар бер!»** (Тавба сураси, 112-оят).

Бу ояти каримада мўмин кишининг бир неча сифатлари зикр қилинмоқда, агар уларда бу сифатлар мавжуд бўлса, мўминлик шарафига эришадилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам берадиган хушxabарга ҳақли бўладилар. Чунки улар билиб-билмай содир этган ҳамма гуноҳларидан тавба қиладилар, гуноҳларига чин қалбдан афсус-надомат чекадилар ва уни иккинчи қайта такрорламайдилар.

Аслини олганда, билиб-билмай қилинган гуноҳлар учун истиффор айтиш иймоннинг етук аломатидир.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.